

\_\_\_\_\_ тумани ҳокимлиги  
хузуридаги тадбиркорлик  
субъектларини рўйхатдан ўтказиш  
инспекцияси томонидан

2013 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да

2013 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги  
\_\_\_\_\_ -сон қарори билан

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»**

“ \_\_\_\_\_ ”

**UNITAR KORXONA**

**УСТАВИ**

\_\_\_\_\_ т. – 20 \_\_\_\_ й.

## **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР.**

**1.1.** \_\_\_\_\_ унитар Корхонаси (кейинги ўринларда Корхона деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларига биноан тузилади. Унинг Муассиси бўлиб \_\_\_\_\_. Ҳисобланади.

Корхонанинг тўлиқ номи: “\_\_\_\_\_” unitar korxonasi;

Қисқартирилган номи: “\_\_\_\_\_” UK.

**1.2.** Корхона давлат рўйхатидан ўтиши билан юридик шахс ҳисобланади, ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларга, шунингдек ушбу Уставга амал қиласди.

**1.3.** Корхона юридик шахс ҳисобланади, алоҳида мулкка, мустақил балансга, банкларда ҳисоб рақамларига, ўз номи ёзилган муҳри, штампи ва бошқа реквизитларга эга бўлади. Корхона ўз фаолиятини тўлиқ хўжалик ҳисоби, ўз-ўзини молиявий таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплаш асосида олиб боради.

**1.4.** Корхона ўз номидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ва амалга ошириши, мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

**1.5.** Корхона Муассисининг розилигига кўра тижорат ташкилотларининг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ юридик шахсларнинг қатнашишига йўл қўйиладиган нотижорат ташкилотларда қатнашчи (акциядор, аъзо) бўлиши мумкин.

**1.6.** Корхона ўз мажбуриятлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари бўйича ундирилиши мумкин бўлган мол-мулк билан жавоб беради.

**1.7.** Корхона ўз Муассисининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди. Муассис Корхонанинг мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарликни амалга оширади.

Корхона чекланмаган муддатда фаолият юритади.

**1.8.** Корхона жойлашган манзили: \_\_\_\_\_

## **2. ФАОЛИЯТ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ.**

**2.1.** Корхонани ташкил этишдан асосий мақсад Ўзбекистон иктисолидётига янги ишлаб-чиқариш технологияларини киритиш, ички бозорини халқ истеъмол моллари билан тўлдириш, шунингдек турли

тижорат хизматларини кўрсатиш ва ишлаш жараёнида иштирокчилар манфаатида фойда олиш ҳисобланади.

**2.2. Корхона фаолиятининг предмети:**

- \_\_\_\_\_;
- \_\_\_\_\_;

**2.3. Корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лицензия олиниши керак бўлган барча фаолият турларини шундай лицензия олинганидан сўнг амалга оширади.**

**3. УНИТАР КОРХОНА ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ.**

**3.1 Муассис қўйидаги ҳуқуқларга эга:**

- Корхона фаолиятининг мақсади, предмети, турларини белгилаш;
- Корхона уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- Корхонага етказилган заарларни қоплаш тўғрисида даъво тақдим этиш;
- Корхонани қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш ва тугатиш балансини тасдиқлаш;
- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга эга бўлиш.

**3.2 Директор ижро этувчи орган ҳисобланади.**

**3.3 Директор:**

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларини бажаришга, Корхона ходимларининг меҳнат шароитларини муҳофаза қилиш ва яхшилашга, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги норма ва қоидаларга риоя этишга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқади ва жорий этади;

Корхонанинг асосий фаолиятини такомиллаштиришга, бошқаришнинг энг янги услубларини жорий этишга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш чора-тадбирларини кўради;

Корхона номидан ишончномасиз ҳаракат қиласи, барча ташкилотларда унинг манфаатларини ифодалайди;

ходимларни ишга қабул қиласи, улар билан меҳнат шартномалари (контрактлари) тузади ҳамда уларни ўзгартиради ва тўхтатади;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ишончномалар беради;

кадрларни тайёрлаш ва ўқитиши, уларнинг малакасини ошириш чоратадбирларини кўради;

Корхонанинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар ва кўрсатмалар чиқаради;

Корхонанинг ички иш тартибини ва хўжалик фаолиятини тартибга солувчи хужжатларни тасдиқлайди;

Корхона томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига риоя қилинишини ташкил этиш ва назорат қилишни таъминлайди;

Корхонага юкландиган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа функцияларни амалга оширади.

#### **4. КОРХОНАНИНГ УСТАВ ФОНДИ МИҚДОРИ.**

4.1. Корхонанинг устав фонди мулклар ва бошқа активлардан иборат бўлади.

4.2. Корхона устав фондининг миқдори \_\_\_\_\_ сўмни ташкил қиласди.

4.3. Корхона Муассисининг улушлари пул маблағлари, мол-мулк, асбоб-ускуна, кўчмас мулк ва ҳ.к.лар кўринишида киритилиши ва кўпайтирилиши мумкин.

4.4. Корхона муассисининг қарорига асосан устав фонди кўпайтирилиши ёки камайтирилиши мумкин.

4.5. Устав фондини кўпайтириш Муассис томонидан қўшимча улуш киритиш ва Корхонанинг соф фойдаси ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

#### **5. КОРХОНАНИНГ МУЛКИНИ ТАСАРРУФ ЭТИШ**

5.1. Муассис томонидан Корхонага тезкор бошқарув ҳуқуқи билан биркитилган асосий фондлар ва айланма маблағлар Корхона мулкини ташкил қиласди.

5.2. Корхонанинг асосий фондлари ва айланма маблағлари бўлинмайди ва улушлар (ҳиссалар, пайлар) бўйича тақсимланиши мумкин эмас.

5.3. Муассис Корхонага берилган давлат мулкидан белгиланган мақсадда фойдаланишини ва унинг сақланишини, шунингдек ўзгага берилишини назорат қиласди.

5.4. Директор Муассис билан келишган ҳолда Корхона мулкини куйидаги ҳолатларда тасарруф этиши мумкин:

асосий воситаларни сотиш, уларни ижарага ёки гаровга бериш; мулкни бошқа хўжалик жамиятининг устав фондига улуш сифатида киритиши;

бошқа хўжалик жамиятларининг акциялари (улушлари)ни сотиб олиш ва сотиш;

мулкни бошқача тарзда тасарруф этиш.

5.5. Корхонанинг мол-мулки бўлинмасдир ва у қўшилган ҳиссалар (улушлар, пайлар) бўйича, шу жумладан Корхона ходимлари ўртасида ҳам, тақсимланиши мумкин эмас.

## **6. ДАРОМАДЛАРНИ ШАКЛАНТИРИШ ТАРТИБИ**

6.1. Корхона даромади:

- хизматлар кўрсатишдан олинган даромадлар;
- Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига шакллантирилади.

## **7. ЗАХИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

7.1. Корхона ўз тасарруфида қоладиган соф фойда ҳисобига захира фондини, шунингдек бошқа фондларни ташкил этиши мумкин, уларнинг миқдори ва шакллантириш тартиби Муассис томонидан тасдиқланади.

## **8. ДАРОМАД (ФОЙДА)НИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ**

8.1. Корхонада қоладиган соф фойда барча солиқлар ҳамда бюджетга ва бюджетдан ташқари жамғармаларга бошқа мажбурий тўловлар тўлангандан кейин Корхона тасарруфида қолади ва ундан Муассис қарорига кўра фойдаланилади.

## **9. ҲИСОБОТЛАР ТАҚДИМ ЭТИШ ТАРТИБИ**

9.1. Корхона ҳисбот даври тугагач ваколатли органларга молия ҳисботини ва рўйхати Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларида белгиланган бошқа хужжатларни тақдим этади ҳамда хужжатларнинг сақланиши ва уларнинг давлат томонидан сақлашга берилиши юзасидан белгиланган тартибда жавоб беради.

9.2. Корхонанинг хўжалик субъекти сифатидаги фаолиятини назорат килиш Муассис томонидан, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

9.3. Директор ҳар чорақда фаолияти натижалари ва тасдиқланган ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши тўғрисида Муассисга ҳисобот беради.

## **10.КОРХОНАСИННИГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

10.1. Корхона ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мулк билан жавоб беради. Муассис Корхонанинг мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарликни амалга оширади.

10.2. Корхона Муассис мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

## **11. КОРХОНАНИНГ ФИЛИАЛЛАРИ ВА ВАКОЛАТХОНАЛАРИ**

11.1. Корхона Муассис билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси худудида ҳам унинг ташкарисида ҳам, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилган ҳолда филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши мумкин.

11.2. Корхонанинг филиаллари ва ваколатхоналари унинг номидан Корхона томонидан тасдиқланган Низом асосида фаолият кўрсатади.

## **12. КОРХОНАСИНИ ТУГАТИШ ВА ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ**

12.1. Корхона Муассиснинг қарорига кўра, тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ёки суд қарорига биноан тугатилиши ёки қайта ташкил этилиши мумкин.

12.2. Корхонани тугатиш Корхонанинг фаолиятининг ҳукуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсларга ўтмаган ҳолда тўхтатилишига сабаб бўлади, Корхона қайта ташкил этилган тақдирда ҳукуқ ва мажбуриятлар ҳуқуқий ворисга ўтади.

«\_\_\_\_\_»

**Унитар корхонаси муассиси:** \_\_\_\_\_